
ҒАЛЛАНИ ЁЊИЊДАЊ АСРАШ УЧУЊ...

Ҳар йилгидек бу йил ҳам юртимизда бўлгани каби туманда бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимиға катта тайёргарлик кўрилиб, мавсумни ёЊин талофатларисиз ўтказилиши учун қатор тадбирлар амалға оширилмоқда. Жумладан, туман Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимларининг белгилаган йўл харитасиға асосан, мавжуд дон ўриш комбайнларида содир бўлиши мумкин бўлган ёЊинларни кенг майдонларға тарқалмасдан бартараф этиш чораларини кўриш ҳамда шахсий таркиб жанговор тайёргарлиги ва касб маҳоратини оширишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чинобод “Агросервис МТП” МЧЖға қарашли 28 та комбайнларни туман ФВБ ва МТПнинг ишчи-ходимлари ҳамкорлигида мавсумға тайёргарлик бўйича текширувдан ўтказилди. Ўтказилган текширув давомида “Ғалла – 2020” мавсумиға жалб этилиши режалаштирилган комбайнлар ўрганиб чиқилиб, учқун ушлағич, ёЊин ўчириш бирламчи воситалари, белкурак, супурги, челак, лом, қум ва ёЊинға қарши сув манбаларининг созлиги кўздан кечирилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан тавсия ва таклифлар берилди,

28 нафар оператор ҳайдовчилари ва МТП ишчи ходимларига ёЊин хавфсизлиги талаб ва қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари юзасидан суҳбатлар ўтказилди. Шуниси аҳамиятлики, мавсум давомида Фавқулодда вазиятлар бўлимининг малакали ходимлари ғаллакорларға амалий ёрдам кўрсатиш учун тўлиқ сафарбар этилади.

Мақсадимиз 2020 йил ғалла мавсумини ёЊинларсиз, беталофат ўтказишдан иборат.

С. ОХУНОВ,

туман Фавқулодда вазиятлар бўлими

инспектори, сержант.

2020-04-23 10:02:36